

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА НАРГИЗА АБДУЛЛАЕВНА

**ЭРГНОМИК ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК
ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 –Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy
on pedagogical sciences**

Абдуллаева Наргиза Абдуллаевна

Эргономик ёндашув асосида талабаларнинг педагогик фаолиятига
тайёрлаш механизмларини такомиллаштириш.....3

Абдуллаева Наргиза Абдуллаевна

Совершенствование механизмов подготовки студентов к педагогической
деятельности на основе эргономического подхода.....19

Abdullaeva Nargiza Abdullaevna

The improvement mechanisms of preparing students for teaching activities
based on an ergonomic approach.....35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....38

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА НАРГИЗА АБДУЛЛАЕВНА

**ЭРГНОМИК ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК
ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертациyasi мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида
№В2020.4.PhD/Ped1897 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг
веб-саҳифаси (www.tdpu.uz) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рузметова Хилола Абдушориповна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оponentлар:

Ахмедова Лайло Толибжановна
педагогика фанлари доктори, профессор

Уста-Азимова Дилноза Ахраровна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон миллий университети

Диссертация химожаси Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги илмий
даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир
марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил "20" "01" соат 1000 даги мажлисида бўлиб
ўтади (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй.
Тел./факс: (+99871) 276-76-51, (+99871) 276-79-11, (+99871) 276-80-86; E-mail:
tdpu_info@edu.uz, tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг ахборот-ресурс
марказида танишни мумкин (1485-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-79-11; факс:
(+99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2022 йил "17" "01" да тарқатилди.
(2022 йил "17" "01" даги 58 рақамли реестр баённомаси)



Б.С.Абдуллаева

илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раёни п.ф.д., профессор

Р.Г.Исенов

илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раёни номзоди, п.ф.д., доцент

Н.А.Муслимов

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,

п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим муассасаларида педагогик жараёнларни эргономик ёндашув асосида такомиллаштиришнинг креатив механизмлари амалиётга татбиқ этилмоқда. ЮНЕСКОнинг ҳалқаро меъёрий ҳужжатида ҳалқаро малака талаблари асосида ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ривожлантириш асосида таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш, педагогик жараённи эргономик жиҳатдан такомиллаштириш, “инсон – машина – муҳитнинг” ўзаро ҳамкорлигини эргономик жиҳатдан ривожлантириш, “ўқитувчи – ўқувчи – таълим воситаси – ўқув муҳитни” шакллантириш бўйича йирик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида педагог ва талабалар фаолиятини такомиллаштириш, кейс-технологиялар, индивидуал траекторияли ўқув, кредит тизимини такомиллаштириш, таълим берувчи ва олувчининг фаолиятини педагогик-эргномик жиҳатдан лойиҳалаштириш, таълим жараёнининг эффективлиги талабанинг фаоллигини ошириш асосида ривожлантириш бўйича-илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан, таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини такомиллаштириш, “ўқитувчи-ўқувчи” муносабатларини ҳамкорликда таъминлаш, ўқитувчиларнинг дарсликларни лойиҳалаш ҳамкорликдаги педагогик вазиятларини ташкил этиш, педагогик тизимда таълим сифатини оширишга олиб келадиган технологик ёндашувларни педагогик эргономикага интеграциясини таъминлаш бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда ёшларимизнинг илм-фан, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда фаол мулоқотда бўлишини, илғор хорижий тажрибалар асосида замонавий рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, талабаларда креативлик ва инновацион таффакурни ривожлантириш, таълим муассасаларининг моддий техник базасини такомиллаштиришнинг меъёрий асослари яратилган. “Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш”¹ устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларнинг касбий сифатларини шакллантириш, метод ва воситаларини такомиллаштириш ва жорий этишнинг педагогик имкониятларни кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон “Таълим тўғрисида” Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон “Таълим тўғрисида” Қонуни

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижро механизмларини такомиллаштиришга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг 1. Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий педагогик инновацион технологиялар Ш.А.Абдуллаева, Н.Х.Авлиякулов, Н.Н.Азизходжаева, Г.К.Баходирова, У.Ш.Бегимкулова, Р.Х.Джураев, М.А.Зайнитдинова, Ф.М.Закирова, А.С.Калдибекова, М.Х.Лутфуллаев, Р.М.Медетова, Н.А.Муслимов, О.Мусурманова, Д.И.Рузиева, Х.А.Рузметова, И.С.Солиев, Х.Х.Тллашев, Б.Х.Ходжаев, А.В.Ходжабаев, Ш.Т.Шодмановаларнинг ишларида татқиб этилган.

МДҲ миқёсида таълим субъектларнинг ижодий инновацион шахс каби ривожланиш назариялари, шахснинг ахборот-коммуникатив воситалар билан ишлашга тайёрлиги ва адаптацияси, мактаб таълим жараёнида педагогик эргономика Г.Н.Александров, Н.В.Алишев, М.В.Антропов, М.В.Беспалько, И.В.Вишнякова, Е.В.Воронина, С.М.Годник, С.А.Днепров, А.А.Жученко, В.И.Загвязинский, М.В.Кларин, Е.А.Корчагин, Л.П.Окулова, Н.Отческих, А.П.Пятибратов, И.В.Роберт, Р.С.Сафин, В.А.Сластенин, Г.И.Щукина, Р.Н.Юсуфбековалар илмий тадқиқотларда ёритилган.

Ўқувчиларнинг таълимга бўлган мотивацияси, қизиқиши, ижодий билим ошириш хусусиятлари ҳамда педагогларнинг малакавий фаолияти ва унинг самардорлиги A.Bandura, K.D.Bloom, Cennamo, I.I.Choi, I.Gedrovics, D.Kalk, L.Donovan, H.Gardner, D.Leuntner, J.Fleischer, J.Grunkorn, E.Kleime, F.Romonelli, I.Cain, K.M.Smith томонидан тадқиқ этилган.

Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетида 2017-2019 йилларда бажарилган “ПЗ-20170923121 рақамли "Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш" номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2017-2020 йй).

Тадқиқотнинг мақсади эргономик ёндашув асосида талабаларнинг педагогик фаолиятига тайёрлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

эргономик ёндашув асосида талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш механизмларини ахборот-предметли муҳитда такомиллаштиришнинг педагогик имкониятларини таҳлил этиш;

педагогнинг эргономик-инновационн фаолият моделини “педагог- таълим олувчи-инновациялар-таълим муҳити” имкониятлари асосида такомиллаштириш;

талабаларнинг билиш фаолияти самарадорлигига ахборотлаштирилган иш жойи таъсирида эргономик ёндашув нуқтаи назаридан аниқлаш;

компьютерлаштириш ва эргономик параметрларни бирлаштириш асосида бўлажак педагогларни ўқув фаолиятига тайёрлаш механизмларининг самарадорлигини, оптималлаштириш ва такомиллаштириш имкониятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида эргономик ёндашув асосида талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш механизмларини такомиллаштириш жараёни бўлиб, тажрибасинов ишларида Тошкент давлат педагогика университети, Қўқон давлат педагогика институти ва Бухоро давлат педагогика университетининг 23 нафар педагоглари ва 172 нафар талабалари иштироқ этган.

Тадқиқотнинг предметини эргономик ёндашув асосида талабаларнинг педагогик фаолиятига тайёрлаш механизмларини такомиллаштиришнинг шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда педагогик, психологик ва методик адабиётларни қиёсий таҳлил этиш, социологик (анкета, суҳбат, сўров), педагогик кузатиш, моделлаштириш, педагогик тажриба-синов, математик-статистик маълумотларни қайта ишлаш, эсмирик методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инновацион таълим шароитида педагогик-эргономик муҳит ўқувчиларнинг матнни идрок этишининг амалийлиги, гап шакллантириш маҳорати ҳамда ахлоқий-образлилик ва келажакка йўналганлик, хавфсизлик ва қулайлик тамойиллари асосида аниқлаштирилган;

таълим самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган индивидуаллик, жозибадорлик каби педагогик-эргономик компонентлар касбий фаолиятга рефлексив мослаштириш, шахсий компетентликка миллий кадриятли-мазмунли ёндашиш, диагностик лойиҳалаш жараёнларига педагогик ҳамкорлик тамойилини киритиш асосида аниқланган;

талабаларни педагогик эргономик фаолиятга тайёрлаш жараёни психологик ва антропологик ёндашувларни қиёсий педагогик талқин қилиш ҳамда таълим муҳитининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган функционал, ташкилий дидактик-модулли топшириқларни суръат ва даражаларга қараб киритиш асосида такомиллаштирилган;

талабаларни педагогик-эргономик фаолиятга тайёрлаш модели умумлашган-предметли ҳамда алгоритмли-вариатив топшириқларни функционал-объектив ва фаолиятли-субъектив хусусиятлари ўзгарган турмуш шароитлари ҳамда янги ижтимоий алоқаларга дифференциал адаптациялаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

педагогик-эргономик тизим терминологиясига қўшимча ва аниқликлар киритилган;

эргономик жиҳатдан педагогнинг инновацион фаолияти, таълим олувчининг инновацион-билиш фаолияти, педагогик эргономика модели такомиллаштирилган;

педагогик эргономика параметрларини ўқув жараёнида ахборотлаштирилган иш ўрнига нисбатан қўллашга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Маҳаллий ва хорижий давлат олимлари ва амалиётчиларининг ишларига асосланилгани; тадқиқот вазифаларига мос келадиган, ўзаро бир-бирини тўлдирадиган тадқиқот методлари, масофавий таълим воситаси сифатида компьютерлаштиришдан педагогик эргономика параметрлари билан бирлаштирган ҳолда фойдаланилгани; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор ҳамда сифат жиҳатидан таъминлангани; олинган натижаларнинг ишончли математик статистика методи ёрдамида таҳлил қилингани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингани ҳамда эришилган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, тадқиқот доирасида олинган педагогик эргономиканинг педагогика ва эргономикани интеграцияловчи соҳа эканига оид янги маълумотлар педагогика фанига маълум ҳисса бўлиб қўшилиши, эргономик тизим терминологиясига киритилган аниқликлар билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, инновацион технологиялар (компьютерлаштириш) эргономик ёндашув асосида ишлаб чиқилган педагогнинг инновацион фаолияти, таълим олувчининг инновацион-билиш фаолияти, педагогик эргономика модели педагогик жараёни такомиллаштиришга кўмаклашади. Эргономик жиҳатдан инновацион технологиялар билан бирлаштирилган ҳолда олиб борилган тажриба ишлари педагогик меҳнат ва таълим олувчининг билиш фаолияти самарадорлигини ошириш учун аҳамият касб этади.

"Ўқитувчи-талаба-инновацион технологиялар–таълим муҳити" эргономик тизими атамалари ушбу педагогик эргономика тизимни белгилаш ва тўлдиришга ёрдам беради.

Компьютерлаштириш билан ахборот-таълим муҳити, эргономик омиллар сифатида ўқитувчи ва талаба шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Педагогик жараёни инновацион технологиялар воситасида педагогик-эргономик жиҳатдан такомиллаштиришга оид тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

талабаларни педагогик-эргономик фаолиятга тайёрлаш моделини педагогик, психологик ва эргономик ёндашувлар синтезини педагог–таълим олувчи–инновацион технологиялар–таълим муҳити омиллари мажмуи билан оптималлаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлардан ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар

ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 6 октябрдаги 02-07-2777/04-сонли далолатномаси). Натижада, талабалар ўзларига тўғри мутахассислик танлаган ва талабаларнинг компьютер билан ишлаш, унга бўлган адаптацияси ва уларнинг компьютерлик билиш фаолияти ривожланган;

эргономик таълим шароитларини инновацион таълим муҳитини эргономик моделлаштиришга педагогларни мослаштириш ва касбий компетентликка эргономик ёндашув имкониятларини диагностик лойиҳалаш асосида такомиллаштиришга оид таклифлардан ПЗ-20170923121 рақамли “Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни амалда бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 6 октябрдаги 02-07-2777/04-сонли далолатномаси). Натижада, педагогларнинг эргономик жиҳатдан инновацион фаолияти ривожланган;

талабаларни педагогик-эргономик фаолиятни тайёрлаш механизмларини ахборот – предметли муҳит сифати ва педагог фаолиятини қулайлигини таъминлаш ҳамда ўзини касбий-ижодий ривожлантириш, ўзини англаш жараёнларини аниқлаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлардан ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 6 октябрдаги 02-07-2777/04-сонли далолатномаси). Натижада талабалар ўзларининг мутахассислигини тўғри танлаган ва талабаларнинг эргономик жиҳатдан инновацион билим олиш фаолияти ривожланган;

таълим жараёнида “эргономик ёндашув” тушунчаси тамойилларини инсон омилининг устуворлиги (таълим муҳитининг қулайлиги, яхлитлиги, таълим жараёнининг технологик самарадорлиги, таълим воситаларининг ўзгарувчанлиги, ўзини-ўзи ривожлантиришнинг узлуксизлиги, талабаларнинг ижодий сифатда ўзини ўзи англаш) таълимни компьютерлаштириш ва эргономик параметрларни башоратли бирлаштириш асосида ишлаб чиқишга оид таклифдан ПЗ-20170923121 рақамли “Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни амалда бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 6 октябрдаги 02-07-2777/04-сон далолатномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнини самарадорлини ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот юзасидан жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, хулосаланган учта боб, умумий хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот ишининг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва усуллари аниқланган, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Замонавий таълимда инновацион технологиялар ва педагогик эргономикани ривожланишининг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида замонавий таълим назариялари ва инновацион технологияларни ривожлантириш манбалари, эргономик ёндашуви асосида инновацион технологиялар бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш механизмларини такомиллаштириш омили сифатида, педагогик эргономика педагогика фанининг интеграцион тармоғи сифатида ва унинг талабаларни педагогик фаолиятига тайёрлашдаги ролига оид масалалари ўрганилган. Эргономик ёндашув нуқтаи-назаридан техник таълим воситалари: аниқлик, ишонччилик, соғлиқ учун хавфсизлик, визуал, мавзунини ўзлаштириш учун тушунарли, турли хил электрон маълумотномалар, кутубхона билан жиҳозланган бўлиши керак, бунинг натижасида талаба ўз ахборот маданиятини яхшилаши мумкин.

Олий мактабда таълим инсоният ривожининг барча даврларида жамият ривожини билан ҳамқадам бўлган. Ўзбекистон Республикасида замонавий таълим демократик, шахсий, инновацион йўналишлари Ш.А.Абдуллаева, Н.Н.Азизходжаева, Г.К.Баходирова, Р.Х.Жураев, Д.И.Рузиеваларнинг илмий ишларида ёритилган. Шу қаторда, педагогиканинг янги йўналиши бўйича педагогик эргономика асосида электрон–ўқув ресурсларини Н.А.Муслимов ва ҳаммуалифлар томонидан яратилган.

Таълимнинг ривожланишида педагогик инновациялар катта роль ўйнаган, қолаверса, улар инновацион технологияларнинг ривожланиш омилларидан бири бўлган.

Телекоммуникация, ахборот технологиялари ривожланиши ва уларни таълим жараёнига татбиқ қилиш, шахсга йўналтирилганлик таълим имкониятларини кенгайтди: таълим гуманистик характер касб этди, таълимнинг индивидуал траекторияси асосида индивидуаллаштириш методлари жорий этилди, ягона ва узлуксиз таълимга кўпроқ эътибор қаратила бошлади. Бунда инновацион технологиялар таълимнинг узвий ва бирор нима билан алмаштириб бўлмайдиган қисмига айланди. Телекоммуникация ва ахборот

технологиялари ўқув жараёнини оптималлаштиради ва жадаллаштиради, бу ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти ва талабаларнинг билиш фаолияти самарадорлигини оширади. Инновацион технологиялар таъсирида педагог ва таълим олувчининг вазифалари ҳам ўзгарди. Энди ўқитувчининг вазифаси “педагог – тарбиячи”дан педагог – устоз (етакчи) ўқув жараёнида маслаҳатчи ва раҳбарга ўзгарди. Бунда таълим олувчи ўз мустақиллигини оширади, ўзини ўзи ривожлантиради, унинг компьютер, мультимедиа воситалари билан ишлаш мотивлари ва қизиқиши ошади. Бу, ўз навбатида, таълим олувчининг билиш фаолияти интенсивлиги ва самарадорлиги ошишига олиб келади.

Ахборот ва телекоммуникация технологияларидан фойдаланиш таълимни масофавий амалга ошириш имконини беради. Масофавий таълимда ўқув жараёни контакт ва контактсиз (алоқа ва алоқасиз) вақтнинг алмашиши билан кечади, талабаларнинг мустақиллик, ўзини ўзи ривожлантиришга мотивациясини кучайтиради. Масофавий таълим, ахборот-коммуникация воситаларини қўллаш билан, талабаларнинг билиш фаолияти ва педагогик меҳнатнинг интенсивлиги ва самарадорлигини оширади.

Педагогик эргономиканинг ривожланиши ва татбиқ қилиниши билан замонавий таълим сифати янада яхшиланмоқда. Педагогик эргономика педагогика соҳаси бўлиб, инсоният олдида техник тараққиётни бошқариш масаласи юзага келганида муҳандислик, қурилиш фанларидан келиб чиққан, яъни эргономика асосида жамиятнинг техник тараққиёти ётади. Педагогик эргономика (психология, физиология, муҳандислик) фанлар кесишувида ривожланиб, тизим элементлари: бизнинг терминологиямиз бўйича “педагог – таълим олувчи–инновацион технологиялар–таълим муҳити” муносабатларини ҳисобга оладики, бу эски бўлган “педагог–таълим олувчи–таълим техник воситалари” педагогик тизимдан фарқ қилади.

Педагогик эргономика ўз шакллари, мақсади ва мазмунига кўра, педагогик жараёнга жуда яқин. Педагогик эргономиканинг қонуниятлари ва принциплари педагогика ва эргономиканинг қонуният ва принциплари билан бирлашади, умуман, шахсга йўналтирилган ва малакали шахсни таълим олувчига таълим муҳитининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш мақсадини кўзлайди ва интеграцияловчи характер касб этади. Бунда шахс ижтимоий-маданий, коммуникатив, ахборот компетенциялари билан, унинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш билан ривожлантирилади. Педагогик эргономика, педагогика ва эргономика билан қизиқиб, инновацион технологиялаштириш, ахборот ва соғломлаштириш муҳити шароитида педагоглар меҳнати ва талабаларнинг билиш фаолияти самарадорлиги ва интенсивлигини ошириш билан талабаларини тайёрлаш механизмларини такомиллаштиришга кўмаклашади. Диссертацияда педагогик эргономика ўқув жараёнини оптималлаштириб, касб ва билим олиш компетентлигини оширади, педагог ва талабаларни ҳар томонлама ривожлантириши аниқланган.

Диссертациянинг **“Талабаларни ўқув фаолиятига тайёрлаш механизмларига оид эргономик ёндашув”** деб номланган иккинчи боби эргономик ёндашуви асосида ўқитувчининг инновацион фаолияти-бўлажак

Ўқитувчиларни тайёрлаш механизми сифатида, талабаларнинг инновацион билим фаолиятида эргономик ёндашуви асосидаги механизмлари, эргономик тизимининг “Ўқитувчи-талаба-инновацион технологиялар-таълим муҳити” механизмлари талабаларнинг педагогик фаолиятини тайёрлашини ошириш омиллари сифатида инобатга олинган. Ўқитувчининг инновацион фаолиятини шакллантириш куйидаги шартлар ёки механизмлар билан боғлиқ: ўқитувчининг конструктив мулоқотга тайёрлиги, контраргументларга қарама-қарши муносабат. Натижада, ўқитувчи мотивларга эга бўлади, унинг билиш ва илмий фаолияти рағбатлантирилади. Ўқитувчи дунёга ва жамиятга бўлган муносабатини янгича ўзгартириши, ўзининг ягона нуқтаи назарига авторитаризмдан воз кечиши, ҳамдард бўлиши, ҳамкасбларига, талабаларга ёрдам бериши керак.

Ўқувчиларни келажакдаги касбга тайёрлашда механизмларнинг кейинги шarti ўқитувчининг маданият ва жамиятга очиклиги ҳисобланади. Ўқитувчи ўқувчиларга нисбатан турлича бўлиши керак: уларни анъанага кўра ўқишга мажбур қилмаслиги, уларни қизиқтириши, таълимга бўлган мотивларини ошириши, инновацион технологиялар.

Бу ҳолларда, аввало, ўқитишнинг шахсга йўналтирилганлиги инновацион технологиялардан фойдаланиш билан намоён бўлади, қолаверса, таълим олувчи бунда асосий ўрин тутаети. Бутун педагогик жараён унга қаратилаети, бу педагогнинг ролини ҳам сифат жиҳатидан ўзгартираети. Педагогнинг эргономик жиҳатдан инновацион фаолиятини ўрганиб, таъкидлаш керакки, педагог ўз малакаси, инновацион технологияларни ўзлаштириш малакаларига кўра, ўқув жараёнини бир ўзи бошқарган ва назорат қилган авторитар шахс қиёфасидан ҳоли бўлиб боради. Эндиликда у инновацион технологиялар орқали ўқув жараёнига раҳбарлик ва назорат қилаети. Бу педагог шахсининг қиёфасини ўзгартираети, энди у авторитар шахс эмас, балки ўқитувчи–маслаҳатчи, ҳамсуҳбат, етакчи.

Ахборот-коммуникатив воситалар, педагог шахсини ўзгартириб, унинг ўзини ўзи англаши, ўзига ишончи, мустақиллик даражасини ошираети, булар ҳаммаси таълим олувчида ҳам кузатилаети. Ҳам талаба, ҳам ўқитувчининг когнитив, коммуникатив, психик-эмоционал тавсифларининг ривожланиш даражаси ортади. Шу билан бирга, бу омилларни эргономик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш механизмлари деб тушунса бўлади.

Ахборот-коммуникатив воситалар орасида масофавий таълим доирасида ўқув жараёнини компьютерлаштириш эргономик ёндашув механизми сифатида етакчи ўрин тутаети. Компьютерлаштириш, инновацияларнинг бошқа воситалари каби, педагогдан, касбий тайёргарлик кўникмалари, тайёргарликка эга бўлиши, бу янгилликни қабул қилиши ва янгича ҳаракат қилишни талаб этади. Бу йўналганлик, вазифалар ва унга эришишни аниқ кўра билишдир. Бунда педагогнинг ахборот маданияти – ахборот манбаси (компьютер) билан ишлаш малакаси намоён бўлади. Бундан ташқари, ахборот маданияти доирасида фикрлар, хатти-ҳаракатлар, ўзаро муносабатлар шаклланадики, бу эргономик нуқтаи-назардан инновацион фаолият ҳақида фикр юритиш имконини беради.

Электрон таълим ресурслари билан ишлашда педагог медиакомпетентликни эгаллайди, талабаларни тасвир, товуш билан манипуляциялаш, таълим дастурларини тушунишга ўргатади, натижада, талабаларнинг билишга оид мотивацияси ошади. Педагогнинг инновацион фаолиятида тадқиқотчилик иши, таълим олувчилар билан ўзаро мувофиқлаштиришнинг янги имкониятлари яратилади. Инновацион технологиялар билан ишлаш даврида ўзини ўзи тушуниш, ўзини ўзи билиш, ўзини ўзи бошқариш ҳисси ортади, педагог талабаларга кўпроқ ахборот тақдим қилади, ўз малакасини оширади. Педагогик эргономика меҳнатни илмий ташкил қилишга комплекс ёндашувни назарда тутади. Педагогик эргономика “педагог-таълим олувчи-инновацион технологиялар-таълим муҳити” тушунчасини шакллантириш имконини беради, бунда педагог ва таълим олувчилар-инновацион технологиялар фаолияти ташувчилари, ўқув ёки таълим муҳити эса, улар ўртасида интеграл вазифа бажаради, яъни бу тушунчаларни комплексга бирлаштиради. Ўқув жараёнининг ўзи бунда ўқитиш ва ўқиш жараёнлари ҳамда психик: фикрлаш, мотивациялаш, ҳиссий жараёнлар; ўзини ўзи ташкил қилиш, ўзини ўзи мустаҳкамлаш жараёнлари, яъни инсонни таълим муҳитидаги ривожланиш жараёнига бўлинади. Бунда педагог инновацион фаолиятининг педагогик-эргономик жиҳатлари намоён бўлади. Буларнинг ҳаммаси тадқиқот доирасида педагогнинг эргономик нуқтаи-назардан инновацион фаолияти моделини такомиллаштириш имконини берди (**1-расм.**).

Инновацион ва коммуникатив ўқув воситаларини қўллашдаги эргономик ёндашув шуни кўрсатадики, ўқувчиларнинг билиш фаолияти саломатликка путур етказмасдан, қисқа вақт ичида кўпроқ ҳажмли материални ўзлаштиришга нисбатан такомиллаштиришга интилади. Шу билан бирга, ўқувчилар эргономик параметрлар бўлган ўз-ўзини тарбиялаш, ўқув жараёнини ўз-ўзини бошқариш қобилиятига эга бўлади.

Билимга интилиш, билимга тайёрлик, билимларни эгаллаш эҳтиёжи, кўникмалар, малакаларда ўз ифодасини топади, бу мотивациялаш фаолиятида намоён бўлади. Билиш фаолиятига мотивациялаш йўналганликка қизиқиш, қизиқувчанлик, ўрганилаётган фанга назарий қизиқишга асосланади. Ахборот-коммуникатив воситалар саломатлик учун зарарсиз ҳолда янада кўпроқ материални ўзлаштиришга кўмаклашади. Бунда талабалар ўз-ўзига таълим, ўқув жараёнида ўзини ўзи бошқариш қобилиятларини ривожлантиради. Ахборот-коммуникатив воситалар турли электрон курсларни тақлиф этадики, улар туфайли талабаларнинг компетентлиги ортади. Интерфаол воситалар коммуникатив қобилиятларни ривожлантиради. Робот технологиялари, компьютер моделлаштириш, ўқитишнинг лойиҳалаш тизимлари, модулли ўқитишдан фойдаланиш талабаларнинг билиш фаоллигини ошириб, унинг

таҳлилий, фикрлаш, ижодий қобилиятлари ривожига кўмаклашади.



1-расм. Ўқитувчининг инновацион-эргономик фаолиятини такомиллаштириш модели

Натижада, талаба ўқитишнинг инновацион воситалари аниқлиги, ишончлилиги ва хавфсизлиги туфайли саломатлигига зарурсиз ҳолда шахс сифатида ривожланади, бунда талаба билиш фаолиятининг эргономик жиҳатлари намоён бўлади. Таълим олувчининг инновацион-билиш фаолиятини ўрганиш талабанинг инновацион-билиш фаолияти моделини такомиллаштириш имконини берди (2-расм).

“Педагог-таълим олувчи-инновацион технологиялар-таълим муҳити” педагогик-эргономик тизимига мувофиқ, педагог ва таълим олувчининг фаолияти, уларнинг ўзаро муносабатлари ва инновацион технологияларга муносабатлари таълим, жумладан, ахборот-коммуникация муҳитисиз сира мумкин эмас. Лекин, таълимни эргономикалаш – бу демак, педагогик ва талабанинг билиш фаолиятини яхшилаш ва энгиллаштириш жараёни.



2-расм. Ўқувчининг инновацион-эргономик фаолиятини такомиллаштириш модели

Таълим муҳитини эргономиклаш ўқув жараёни унумдорлигини таълимни ахборотлаштириш йўли билан максимал даражада яхшилайдик, бу ахборотни тезкор етказиш ҳисобига ахборотни расмийлаштиришнинг график, дизайнерлик усуллари туфайли фикрлаш маҳсулдорлигини, унинг кўргазмалилиги, тушунарлилиги, англашилишини яхшилайдик. Таълим муҳитида педагог ва таълим олувчининг фаолияти унга мослашиш билан боғлиқ. Бунда таълим субъектларининг ўзини ўзи бошқариш каби сифати муҳим бўлиб, у ўз ҳислари, кечинмалари ва хулқини бошқариши мотивация билан боғлиқ. Педагогик эргономика инновацион технологиялар шароитида мослашиш масалаларида педагог ва талабалар томонидан ўз хатти-ҳаракатлари, ҳислари, мотивлари ва ўзининг жамоадаги хулқини ўзгартиришнинг мақсадга мувофиқлигини англаб етиш имкониятини яратади. Педагогикада эргономик ёндашувнинг асосий ғояси – таълим маконини шахсга мослаштириш, бу таълим жараёнининг барча қатнашчиларининг ўқув, ахборот, ижтимоий, сунъий ва ички муҳитини ўз ичига олади, таълим жараёни қатнашчиларига таълим мазмунини кашф қилишга кўмаклашади: ўқитувчи билан ўқувчи эмас, балки тирик инсонлар ўзаро ҳамкорлик қилади.

Бундан ташқари, таълим макони инсонлар ва жиҳозларни ўз ичига олади. Фикримизча, шунингдек, адабий маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, таълим макони – компонентлар: мутахассис, воситалар, ахборот манбалари, ижтимоий тармоқлар, Интернет, ташқи, сунъий, ўқув муҳити, таълим олувчи фаолиятининг

соҳалари, соғломлаштирувчи муҳит, педагогик эргономикага кўра, инсоннинг антропометрик, психик-физиологик параметрларига мувофиқ бўлган ахборотлаштирилган иш ўрнидан иборат мажмуа.

Ахборотлаштирилган иш ўрни (АИЎ) ахборотлаштириш ва эргономикалаш нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга. Ахборотлаштирилган иш ўрни бир неча функцияни ўзида бирлаштиради, булар: техник восита (компьютер)ни бошқарадиган инсон; компьютернинг ҳолатини назорат қилиш, носозликларни аниқлаш бўйича хизмат кўрсатадиган инсон; ахборотни излаш, тўплаш, олиш ва узатиш вазифаларини бажарувчи инсон функциялари.

Ахборотлаштирилган иш ўрни (АИЎ) ахборотлаштириш ва эргономикалаш нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга. Ахборотлаштирилган иш ўрни бир неча функцияни ўзида бирлаштиради, булар: техник восита (компьютер)ни бошқарадиган инсон; компьютернинг ҳолатини назорат қилиш, носозликларни аниқлаш бўйича хизмат кўрсатадиган инсон; ахборотни излаш, тўплаш, олиш ва узатиш вазифаларини бажарувчи инсон функциялари. Ахборот воситаларининг самарадорлигига қарамай, улар инсон организми: кўриш, суяк-мушак тизими, ички аъзоларга салбий таъсир кўрсатиши мумкинки, уларни таълим маконининг соғломлаштириш муҳити (тиббий пунктлар, поликлиникалар, госпиталлар) тадбирлари ва жисмоний тарбия машғулоти билан коррекциялаш зарур. Буларнинг ҳаммасида таълим муҳитига эргономик ёндашув жамланган.


Ахборотлаштириш талимининг асосий вазифаси: таълимни тезкор ахборот олиш ва эргономизациялаш. Шу билан бирга, бу маълумотларни эргономлаштириш ўқувчиларнинг билиш ишлари унумдорлигини оширишнинг муҳим омилidir. Бу маълумотлар бўлажак ўқитувчилар таълимида эргономик ёндашувга мос келадиган аниқ, кўرғазмали, тушунарли ва юқори сифатли бўлиши керак. Буларнинг барчаси билиш жараёнига ақлий маълумотларнинг минимал сарфланишини таъминлайди. Талабанинг ахборот таъсири соғлиқни сақлаш шароитида ва ахборот-коммуникация субъекти муҳитида ахборот-коммуникация технологиялари асосида содир бўлади.

Демак, “педагог-таълим олувчи-инновацион технологиялар-таълим муҳити” эргономик тизимининг ўзаро ҳамкорлиги умуман инсон саломатлигини сақлаган ва мустаҳкамлаган ҳолда касбий компетент инсонни ривожлантиргани ҳолда таълим жараёнини яхшилайдди.

Шундай қилиб, таълим муҳитини педагогик ва эргономик тизимининг муҳим элементларидан бири ҳисобланади: "ўқитувчи - талаба - инновацион технологиялар - таълим муҳити" ва бўлажак ўқитувчилар тайёрлаш механизмларини такомиллаштириш ва бир бутун сифатида ўқув жараёнига ҳисса қўшади ва ташкилий эргономикасини ўз ичига олади (таълим муассасалари, дизайн); ахборот муҳити (ахборот воситалари, иш жойи), соғлом турмуш муҳити (тиббий ва жисмоний фаолияти).

Санаб кўрсатилганларнинг ҳаммаси когнитив эргономика, ахборот муҳити, таълим ва соғломлаштирувчи муҳит элементларини ўз ичига оладиган педагогик эргономика моделини такомиллаштириш имконини берди. Адабиёт

манбаларга қараганда, бу модель олий таълимда қўллаш мумкин бўлган педагогик эргономиканинг таркибий қисмларини ўз ичига олади (**3-расм**).




3-расм. Такомиллаштирилган педагогик эргономика модели

Диссертациянинг “**Инновацион технологияларнинг эргономик жиҳатдан самарадорлиги таҳлили**” деб номланган учинчи бобида эргономик аспектда педагог ишининг инновацион самарадорлигини таҳлил қилиш, эргономик аспектда педагогика ва инглиз тилини ўқитиш мисолида

талабаларнинг билиш фаолиятининг инновацион самарадорлигини таҳлил қилиши ифодаланган.

Педагогнинг инновацион фаолияти самарадорлиги инновацион технологиялар туфайли ахборот воситаларини эгаллаш малакалари, меҳнат унумдорлигини ошириш мотивацияси, шунингдек, машғулотларга тайёрланиш учун вақт сарфи, психологик-эргономик параметрларни ҳисобга олиш малакаларида намоён бўлади. Тадқиқот доирасида ўтказилган сўровлар шундан далолат беради (**4-расм**).




4-расм. Педагогларнинг ахборотлаштирилган ўрни муносабати динамикаси

Расмдан кўринадикки, компьютерлаштириш педагогик меҳнатда самарали акс этган: анкетанинг ҳамма эргономик параметрлари бўйича ижобий жавоблар олинди (91% – 100%).


Талабаларнинг педагогика ва инглиз тилини ўрганиш мисолидаги билишга оид меҳнати инновацион фаолияти самарадорлиги уларнинг мотивацияси, билим, кўникма ва малакаларни педагогик эргономика нуқтаи назаридан ривожлантириши, психик-эмоционал компетенциялари; ахборотни излаш, сақлаш ва ундан фойдаланиш малакаларига боғлиқ.

Тадқиқот доирасида талабаларни педагогика ва инглиз тилини ўрганиш мисолида анкеталаш методи билан олиб борилган тажрибалар кўрсатдики, таълимга эргономик ёндашув инновацион технологиялар билан биргаликда талабаларнинг инновацион-билиш фаолияти самарадорлигини оширади (**5-ва 6-расмлар**), бу эса, дунё миқёсида рейтинг тизими ва кредитларда баҳоланади.



5-расм. Таълим мотивацияси динамикаси

5-расмдан кўринадики, талабаларнинг 1- ва 2-шкалалар бўйича мотивацияси деярли 54-38% – “билим ва касб эгаллаш”; талабаларнинг фақат 8% игина “диплом олиш”дан манфаатдор.



6-расм. Талабаларда эргономик кўрсаткичлар динамикаси

6-расмдан кўринадики, эргономик параметрлар таълим олувчиларнинг билиш фаолиятига ижобий (94-100%) таъсир кўрсатган.

ХУЛОСА

1. Фан-техника тараққиёти билан таълим жараёни ягона ва узлуксиз, шахсга йўналтирилган ва гуманистик характерга эга бўлган. Шарқ мутафаккир олимларининг педагогик инновацияларга оид қарашлари ва миллий ютуқларни ҳисобга олган таълим жараёнининг ривожланиш омиллари инновацион технологияларнинг ривожланиши ва ўқув жараёнига татбиқ қилинишидан иборат бўлди.

2. Педагогик эргономика фанлараро характерга эга бўлиб, педагогика ва эргономикани интеграцияловчи соҳа ҳисобланиши ва шу асосда талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш мумкинлиги аниқланди.

3. Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш механизмларида эргономик ёндашув ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятида катта аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг касбий сифатларини такомиллаштиришни белгилайди, ўқитувчининг инновацион фаолияти модели тузилмаси такомиллаштирилди.

4. Ўқувчининг инновацион ва билиш фаолиятига эргономик ёндашув нуқтаи-назаридан талаба шахсининг сифат хусусиятлари ўзгариши бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион ва билиш фаолияти моделининг такомиллашган структураси аниқланди.

5. “Педагог-таълим оловчи-инновацион технологиялар-аълим муҳити” эргономик тизимидаги ўзаро муносабатлар ва уларнинг механизмларини ўрганиш, хусусиятларини аниқлаш педагогик эргономика моделини такомиллаштиришга хизмат қилган.

6. Ахборотлаштирилган ва компьютерлаштирилган иш жойининг эргономик параметрлари педагогика ва инглиз тилини ўқитиш мисолида педагогик иш самарадорлиги ва талабанинг билиш фаолиятини такомиллаштириш механизмлари имкониятлари оширилган.

7. Педагогларнинг ва талабаларнинг инновацион фаолияти, эргономик параметрлари билан қўлланган компьютерлар ва таълим, информацион, соғломлантириш муҳитлар билан бирга, комплекс механизмларини ташкил қилиб, талабаларнинг педагогик фаолиятини такомиллаштиришга эргономик ёндашувга тайёрлаш такомиллаштирилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 03/30.01.2020.Ped. 26.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

АБДУЛЛАЕВА НАРГИЗА АБДУЛЛАЕВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ ПОДГОТОВКИ СТУДЕНТОВ
К ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НА ОСНОВЕ
ЭРГОНОМИЧЕСКОГО ПОДХОДА**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2020. 4. PhD/Ped1897

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте (www.tdpu.uz) и на Информационно-образовательном портале (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель: Рузметова Хилюла Абдунориновна
кандидат педагогических наук, доцент

Официальные оппоненты: Ахмедова Лайло Тolibжановна
доктор педагогических наук, профессор

Уста-Азимова Дилноза Ахраровна
кандидат педагогических наук, доцент

Ведущая организация: Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «29» 01 2022 года в 10:00 часов на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, дом 27). Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86. E-mail: tdpu_kengash@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за № 185). Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, дом 27). Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86.

Автореферат диссертации разослан «17» 01 2022 года.
(Реестр протокола рассылки № 28 от «17» 01 2022 года).


Б.С.Абдуллаева
председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.п.н., профессор

Р.Г.Исмаилов
член секретариата научного совета по
присуждению учёных степеней,
к.п.н., доцент

Н.А.Муслимов
председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
учёных степеней, д.п.н. профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация доктора философии (PhD) по педагогическим наукам)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом масштабе разработка и внедрение инновационных процессов путём использования инновационных ресурсов способствует развитию образования, как особой социальной системы в достижении качественно новых, более высоких результатов в обучении. При этом творческие компетентности субъектов образования и его результаты во всем мире основываются на четырех аспектах учебного процесса, как «читать, чтобы знать, читайте, чтобы добиться успеха, учиться жить и учиться жить вместе» (Юнеско), что несомненно преследует развитие непрерывного образования.

Во всем мире признано, что применение инновационных технологий, интенсифицируя образовательный процесс, творчески влияют на деятельность педагогов и обучающегося, совершенствуют профессиональные компетентности, приближая их развитие к европейскому уровню. За рубежом для повышения качества обучения студентов разработаны кейс-технологии (Гарвард), индивидуализированное обучение и кредитная оценка обучения, как виды инновационных технологий. При этом эргономические подходы к современному образованию с применением инновационных технологий направлены на формирование личности, как квалифицированного специалиста, заботясь о его здоровье и благополучие в образовательной среде.

В нашей стране для развития информационно-коммуникативных средств обучения созданы широкие возможности, благодаря внедрению непрерывного профессионального образования определены его стратегии развития, организована информационно-методическая база обеспечения, направленная на повышение качества и совершенствования подготовки высококвалифицированных специалистов, нужных для общества в «соответствии с современными потребностями рынка труда», согласно основам нормативных положений системы образования Республики Узбекистан.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан: № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года; №УП-5847 «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 8 октября 2019 года; Постановления № ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года; Закона «Об образовании» Республики Узбекистан за № ЗРУ-637 от 23 сентября 2020 года. А также наши исследования могут способствовать развитию положений по усовершенствованию подготовки высококвалифицированных кадров, необходимых развитию общества республики, изложенных в докладах и статьях Президента Республики Узбекистан.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики – I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Вопросы современного образования, педагогических новаций, инновационных технологий, влияющие на формирование инновационной деятельности педагогов и студентов, их творческой компетентности и компетентностного подхода в эффективной подготовке субъектов образования рассмотрены в исследованиях узбекских ученых: Ш.А.Абдуллаевой, Н.Х.Авлиякулова, Н.Н.Азизходжаевой, Г.К.Баходировой, У.Ш.Бегимкулова, Р.Х.Джураева, М.А.Зайнитдиновой, Ф.М.Закировой, М.Х.Лутфуллаева, Н.А.Муслимова, О.Мусурмановой, Д.И.Рузиевой, Х.А.Рузметовой, И.С.Солиева, А.В.Ходжабаева, Б.Х.Ходжаева, Ш.Т.Шодмановой.

Исследования теорий развития творческой личности, формирование его функциональной адаптации и готовности к работе с информационно-коммуникативными средствами, а также вопросы эргономизации школьного образования отражены в работах: Г.Н.Александрова, В.Алишева, М.В.Антропова, Н.В.Беспалько, И.В.Вишняковой, Е.В.Ворониной, С.М.Годника, С.А.Днепровая, А.А.Жученко, В.И.Загвязинского, М.В.Кларина, Л.П.Окуловой, Н.Отческих, А.П.Пятибрatова, И.В.Роберт, В.А.Сластенина, Х.Х.Тллашева, Г.И.Щукиной, Р.Н.Юсуфбековой.

Ряд зарубежных исследований, подчеркивающие значение мотиваций, интересов, тенденций повышения познавательных способностей обучающегося и эффективность педагогической деятельности рассмотрены в работах: A.Bandura, K.D.Bloom, Cennamo, I.I.Choi, I.Gedrovics, D.Kalk, L.Donovan, H.Gardner, D.Leuntner, J.Fleischer, J.Grunkorn, E.Kleime, F.Romonelli, I. Cain, K.M. Smith.

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ образовательного учреждения, в котором выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках прикладного проекта “ПЗ-20170923121 – “Развитие педагогической деятельности в образовательных учреждениях на основе педагогики сотрудничества” научно-исследовательских работ Ташкентского государственного педагогического университета (2017-2020 гг.).

Цель исследования состоит в разработке рекомендаций по совершенствованию механизмов подготовки студентов к педагогической деятельности на основе эргономического подхода.

Задачи исследования:

провести анализ научно-теоретической литературы в области современного образования с позиций применения инновационных технологий на основе эргономического подхода, выявить необходимые условия для их разработки, а также определить интеграционные особенности педагогической эргономики и роль её в механизмах подготовки будущих учителей;

на основе эргономического подхода усовершенствовать модели инновационной деятельности педагогов в области механизмов совершенствования деятельности будущих учителей, инновационно-познавательной деятельности студентов, также модель педагогической эргономики в комплексе с инновационными технологиями;

определить с позиций эргономического подхода значение информационно-компьютерного рабочего места для эффективности педагогического труда и познавательной деятельности студентов;

выявить на основе сочетания компьютеризации и эргономических параметров эффективность механизмов подготовки будущих педагогов к учебной деятельности, возможности их оптимизации и совершенствования;

Объект исследования: процесс совершенствования механизмов подготовки студентов к педагогической деятельности на основе эргономического подхода исследованы в Ташкентском государственном педагогическом университете, Бухарском государственном педагогическом университете и Кокандском государственном педагогическом институте среди 23 педагогов и 172 студентов.

